

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**Қосимов Шавкат Уролович**

**Касб-хунар коллежларида амалий касбий таълимни ташкил этишнинг  
методик асосларини такомиллаштириш**

**13.00.05. – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Қосимов Шавкат Уролович**

Касб-хунар коллежларида амалий касбий таълимни ташкил этишнинг  
методик асосларини такомиллаштириш.....

**Касимов Шавкат Уролович**

Совершенствование методических основ организации практического  
профессионального обучения в профессиональных колледжах .....

**Kosimov Shavkat Urolovich**

Perfection of methodical bases of the organization of practical vocational  
training in professional colleges.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати .....**

Список опубликованных работ .....

List of published works.....

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**ҚОСИМОВ ШАВКАТ УРОЛОВИЧ**

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.05. – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Ped180 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда [ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Авазов Шериммат</b> педагогика фанлари номзоди, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Муслимов Нарзулла Алиханович</b> педагогика фанлари доктори, профессор
	<b>Химматалиев Дўстназар Омонович</b> педагогика фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «...» ..... соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17, факс: (99871) 246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz.

Диссертация билан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17, факс: (99871) 246-90-37).

Диссертация автореферати 2018 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Қурбонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ашурова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**З.К.Исмоилова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
п.ф.д., профессор

## Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда экологик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлашда барқарор таракқиёт мақсадига хизмат қилиш омили сифатида касб-ҳунар таълими тизимида амалиёт устуворлигини кучайтириш тенденцияси юзага келмоқда. Халқаро меҳнат бозори ва малака талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш, касб-ҳунар таълимини фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, назарий ва амалий касбий таълимни уйғунлаштириш, бўлғуси мутахассисларни касбий фаолиятга амалий тайёрлашни инновацион ташкил этишда Technical, Junior Colleges ва Community Colleges (АҚШ), Program National vocational Qualifications (Буюк Британия) каби дастурлардан кенг фойдаланиш кузатилади.

Жаҳон илмий ҳамжамияти томонидан касб-ҳунар таълими тизимида инсон (humanization), табиат (greening) ва юқори технологияларга (fundamentalization) асосланган ҳолда кенг ихтисослик мутахассислар тайёрлаш (universalization), уларнинг нафақат назарий, балки амалий тайёргарлик даражасини оширишга оид илмий изланишлар олиб борилиб, касб-ҳунар таълими назарияси ва амалиётида янгича техник-технологик тафаккур ва юқори касбий тайёргарликка эга бўлган мутахассис шахсини шакллантиришнинг самарали механизмлари татбиқ этилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда касб-ҳунар таълимини тубдан ислоҳ қилиш борасида олиб борилган ишлар натижасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилди, моддий-техника ва ахборот базалари мустаҳкамланди. Шу билан бирга, амалий касбий таълимнинг методологик ва методик жиҳатларини назарий жиҳатдан асослаш зарурати вужудга келди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш” вазифаси белгиланиб<sup>1</sup>, бу борада касб-ҳунар коллежларидаги амалий касбий таълимнинг инновацион методик тизими – ташкилий тузилмасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари, 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази фаолиятини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2017. – Б. 25-26.

такомиллаштириш тўғрисида” Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги:** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касб-ҳунар таълими, хусусан, касбий фаолиятга амалий тайёргарлик борасидаги илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Абу Райхон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк мутафаккирлар асарларида амалий касбий билим, кўникма ва малакалар, уларни ўзлаштириш усуллари “устоз-шогирд” миллий анъаналарига мувофиқ ўзига хос тарзда асослаб берилган.

Мамлакатимизда Т.Х.Абдухаликов, О.А.Абдуқудусов, Н.Х.Авлиякулов, С.Ашурова, С.Булатов, Л.Голиш, Р.Х.Джурраев, У.И.Иноятов, П.Т.Мағзумов, С.Ю.Махмудов, М.Мирсолиева, И.Мислибоев, Н.Н.Мусаева, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Б.С.Нуридинов, Қ.Т.Олимов, С.Ф.Ражабова, Х.Ф.Рашидов, Н.С.Сайидахмедов, Ў.Толипов, М.Б.Уразова, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, А.В. Шин, А.А.Шоюсупова, Ш.Э.Қурбонов, О.А.Қўйсинов, Э.Ғ.Ғозиев каби олимлар томонидан касб-ҳунар таълимининг назарий-методологик, психологик-педагогик, дидактик ва методик-технологик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларни касбий фаолиятга амалий тайёрлаш методикаси, хусусан, амалий-лаборатория ишлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг ўқув-услубий таъминоти ҳамда ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш каби масалалар Ш.Авазов, Н.Ш.Алметов, Г.М.Анарқулова, З.К.Исмоилова, К.Д.Мирсаидов, Н.Д.Назирова, Ў.Д.Хидиров каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатлари, шу жумладан, Россия Федерациясида касб-ҳунар таълими методологияси, педагогикаси, психологияси ва методикаси, хусусан, ишлаб чиқариш таълими методикасининг турли жиҳатлари П.Р.Атутов, С.Я.Батышев, А.П.Беляева, В.Беспалько, В.Давыдов, Э.Зеер, Н.А.Каналина, Г.Коджаспирова, А.А.Кыверялг, В.С.Леднев, А.А.Маленько, Е.А.Милерян, Н.А.Морева, А.М.Новиков, Н.Н.Нечаев, З.А.Решетова, Г.К.Селевко, В.А.Скакун, В.А.Сластенин, Ю.Г.Татур, Д.А.Тхоржевский, Г.Н.Шуков, Н.Е.Эрганова. И.С.Якиманская ва бошқалар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган.

Ривожланган хорижий мамлакатларда Bloom B.S., Brockmann M., Douglas X., Eraut M., Gessler M., Wenger E., Howard R.D., Scott John L., Schoon D., Hiim H. сингари олимлар касбий билим ва маҳорат, амалий касбий

технологиялар, дуал касбий таълим, касбий таълим тарихи ва тараққиёти каби йўналишлар бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, касбий таълим мазмуни ва жараёни доимо амалий йўналган, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, алоҳида ташкилий-методик тизимлар сифатида ривожланиб келган. Шу билан бирга, касб-хунар коллежларидаги махсус технология фан(лар)и бўйича амалий-лаборатория ишлари ҳамда тегишли касб (ихтисослик) бўйича ўқув, ишлаб чиқариш (технологик) ва диплом олди амалиётини ўз ичига яхлит қамраб олган “амалий касбий таълим”га тизимли ёндашиб, унинг ташкилий-методик тузилмасини ўзаро интеграция ва узвийлик тамойиллари асосида тадқиқ этиш тақозо этилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2013-1-43 «Касб-хунар коллежларида амалий касбий таълим методикаси ва технологияларини тизимлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш» (2013-2014 йй.) инновацион лойиҳаси ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-16 “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича малакавий даражасини квалиметрик баҳолаш” (2016-2017) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** касб-хунар коллежларидаги амалий касбий таълимнинг тизимли ташкилий-методик тузилмасини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уни тажриба синовидан ўтказиш асосида амалий касбий таълим методикасини такомиллаштириш

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

амалий касбий таълим мазмунини мутахассислар меҳнати, уларни тайёрлашга қўйилган малака талаблари асосида тавсифлаш;

амалий касбий таълим жараёнида касбий кўникма ва малакалар, касбий маҳорат асосларини шакллантиришнинг моҳиятини очиқ бериш;

амалий касбий таълимнинг амалдаги назарий моделини тавсифлаш ва унинг тузилмавий таркибий қисмларини асослаш;

амалий касбий таълим мазмуни ва жараёнининг ўзаро узвийлиги асосида унинг тизимли ташкилий-методик тузилмасини ишлаб чиқиш ва тажриба синовидан ўтказиш;

тизимли ташкилий-методик тузилмага мувофиқ ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилини амалга ошириш;

амалий касбий таълим методикасининг тизимли таркибий қисмларини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** касб-ҳунар коллежларидаги амалий касбий таълим тизими ва жараёни («Автомобиль йўллари, кўприклар, сунъий иншоотлар қурилиши ва аэродромлар бўйича техник» касби бўйича).

**Тадқиқотнинг предмети** касб-ҳунар коллежларидаги амалий касбий таълим тизимининг ташкилий-методик тузилмаси.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида мавзуга оид фалсафий, психологик-педагогик, методик адабиётлар, ДТС, ТТС, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини қиёсий ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, моделлаштириш, тест, сўровнома, суҳбат, кузатиш, тажриба-синов ва математик-статистик қайта ишлаш методларидан мажмуий фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак мутахассис меҳнатининг тавсифий (ташкилий шакли, предмети, воситалари ва усуллари), ҳатти-ҳаракат (давомийлиги, иш тартиби, функционал мақсади, жисмоний оғирлиги) хусусиятлари ҳамда касбий маҳорат (фаолият сифати ва унумдорлиги, унинг илғор, тўғри усулларини ўзлаштириши, мустақиллиги ва ижодий ёндашуви, техник ва меҳнат маданияти) асосларига таянилган амалий касбий таълимнинг яхлит ташкилий-методик тузилмаси ишлаб чиқилган;

амалий касбий таълимни инновацион ташкил этиш жараёнлари мазмуни ўқув босқичлари бўйича “мувофиқлик жадвали” (виртуал амалий-лаборатория ишлари, ўқув, ишлаб чиқариш ва битирув-малакавий амалиёти) компонентларининг ўзаро интеграциялашувига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнида ҳамкор субъектлар (амалий касбий таълим иштирокчилари) ўқув жараёнида ташкилий-бошқарув, таҳлилий-баҳолаш ва креативлик функциялари яхлитлиги ҳамда алоқадорлигини таъминлаш орқали методик ишланмалар такомиллаштирилган;

ўқувчиларни касбий фаолиятга ўргатишнинг мазмуни визуаллаштириш, тайёргарликнинг сифатий ва вазний кўрсаткичларини аниқлаш, малака талабларини белгилаш ҳамда электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

касб-ҳунар коллежларига амалий касбий таълим методикасининг инновацион ташкилий-методик тузилмаси тавсия этилган;

касб-ҳунар коллежларида амалий касбий таълимни инновацион ташкилий-методик тузилма асосида ташкил этишга оид методик кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

касб-ҳунар коллежларининг махсус фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун “Касб-ҳунар коллежларида амалий касбий таълим методикаси ва технологиялари” методик қўлланмаси, “Амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси” ўқув-методик қўлланмаси ҳамда ўқув амалиёти бўйича “Автомобиль йўлларининг қурилиш



ишлари” электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, илмий-методик тавсияларнинг амалиётда татбиқ этилиши; амалий касбий таълимни инновацион ташкилий-методик тузилма асосида ташкил этишга оид ўқув материаллари нашр этилганлиги ва таълим жараёнига жорий қилинганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишлари иштирокчиларини танлашдаги репрезентативлик; олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ва асосланган илмий-назарий ғоялар ва амалий-методик тавсиялар касб-ҳунар коллежлари амалиётида амалий касбий таълимни инновацион ташкилий-методик тузилма асосида самарали йўлга қўйишга, шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижалари амалий касбий таълим бўйича ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, электрон ва бошқа воситаларнинг методик аппаратини такомиллаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижалари касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталарини амалий касбий таълимнинг инновацион ташкилий-методик тузилмаси ҳамда ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакалар – касбий маҳорат асосларини шакллантириш методикаси билан таъминлайди. Шунингдек, диссертация материалларидан олий таълим муассасаларида, педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида амалий касбий таълим методикаси бўйича назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги:** Олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда татбиқ қилинган:

амалий касбий таълимнинг инновацион ташкилий-методик тизими ва тамойиллари, таълим мазмуни ва ўқув босқичларининг “мувофиқлик жадвали” га оид таклифлар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2016 йил 22 августдаги 246-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси” ҳамда “Ўқув хона, устахона, майдонларни жиҳозлаш ва хомашё материалларидан фойдаланиш” курсларининг ўқув-методик мажмуаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 89-03-2742-сонли маълумотномаси). Натижада касб-ҳунар коллежларида амалий касбий таълимни самарали йўлга қўйишга, шунингдек амалиёт турларини тизимли ташкил этиш технологиялари, кўникмалар шаклланишини назорат қилиш, функциясини аниқ белгилаш ҳамда ижросини тўлиқ таъминлашга имкон берган;

амалий касбий таълим жараёнида ҳамкор субъектларнинг функционал вазибалари, оммавий ва шахсий методик ишлар мазмуни, йўл қурилиши соҳасидаги технологик жараёнларга мос малака талабларига оид тақлифларидан Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 164-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режаларини ишлаб чиқишда, Тошкент давлат педагогика университетининг Педагогик қайта тайёрлаш курси ўқув режаси ва ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 89-03-2742-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларга йўл қурилиш соҳасидаги меҳнат ва технологик жараёнларга мувофиқ меҳнат операциялари, усуллари ва амалларини касб-хунар таълими жараёнида ўзлаштиришга имкон берган;

ўқувчиларни касбий фаолиятга амалий тайёрлашнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, йўл қурилиши соҳаси йўналиши учун электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқишга оид ишланмалар Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими электрон кутубхонасининг ахборот тармоғи (argmat.uz) базасига жойлаштирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 89-03-2742-сонли маълумотномаси). Натижада амалий касбий таълим бўйича ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, электрон ва бошқа воситаларнинг методик аппаратини такомиллаштиришга имкон берган;

мутахассис меҳнатини тавсифи, ҳаракат хусусиятлари, касбий маҳорат асослари, амалий касбий таълимнинг яхлит ташкилий-методик тузилмасига оид тақлифларидан Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2013-1-43 «Касб-хунар коллежларида амалий касбий таълим методикаси ва технологияларини тизимлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш» (2013-2014 йй.) инновацион лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 89-03-2742-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш учун махсус фанлар бўйича малака талабларини ишлаб чиқишга ҳамда такомиллаштирилган фан дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 30 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий-услубий, шу жумладан 1та монография, 2 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, шу жумладан, 16 таси республика, 3 таси хорижий давлатлар журналларида нашр этилган. Шунингдек, электрон ўқув

дастури учун Давлат интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари ва илмий янгилиги келтирилган, ишнинг амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Касб-хунар коллежида амалий касбий таълимни ташкил қилишнинг назарий-методик асослари**» деб номланган биринчи бобида бўлажак мутахассис меҳнати, уни тайёрлашга қўйилган малака талаблари, амалий касбий таълим жараёнида касбий кўникма ва малакалар - касбий маҳорат асосларини шакллантиришнинг моҳияти ҳамда касб-хунар коллежларида амалий касбий таълимнинг ташкилий-методик тузилмаси (назарий модели), унинг таркибий қисмлари таҳлил этилган.

Бўлажак кичик мутахассиснинг *меҳнати* қуйидаги мезонлар (белгилар) ва кўрсаткичлар (тоифалар, турлар) билан тавсифланади:

мазмун ва хусусиятларига кўра: хусусий ва ёлланган; ихтиёрий ва мажбурий; жисмоний ва ақлий; репродуктив ва ижодий; яқка тартибдаги ва жамоавий; енгил, ўрта ва юқори мураккаблик даражасидаги меҳнат;

ташкил этилиш шаклига кўра: яқка, гуруҳли ва жамоавий меҳнат;

предмети ва маҳсулотига кўра: техник, бошқарув, тадбиркорлик, инновацион ва хўжалик бошқарувининг турли тармоқларидаги меҳнат;

воситалари ва усулларига кўра: қўлда бажариладиган ва чала механизациялашган; механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган; паст, ўртача ва юқори технологик; кичик мутахассис иштироқи турли даражада бўладиган меҳнат;

катъий белгиланган шароитга кўра: кўчмайдиган ва кўчма; ер усти ва ер ости; енгил, ўртача ва оғир; жозибали ва жозибасиз (ноқулай); эркин ва катъий белгиланган меҳнат.

Технологик жараён, яъни моддий ёки маънавий маҳсулотнинг ҳосил бўлиши меҳнат жараёни билан узвий боғланган бўлиб, бўлажак кичик мутахассис меҳнатининг мазмуни ва тартиби технологик жараёнлар билан белгиланиши аниқланди. Кичик мутахассис меҳнати қўлланиладиган *технологик жараёнлар* қуйидаги мезонлар (белгилар) ва кўрсаткичлар (тоифалар, турлар) билан тавсифланди:

энергия манбаига кўра: суст ва фаол технологик жараёнлар;

меҳнат предметиға таъсир кўрсатишнинг узлуксизлик даражасига кўра: узлуксиз ва дискрет (узук-узук) технологик жараёнлар;

меҳнат предметиға таъсир кўрсатиш усули ва қўлланиладиган жиҳозларға кўра: механик ва аппаратли технологик жараёнлар.

Шундай қилиб, кичик мутахассиснинг *меҳнат жараёни* куйидаги мезонлар (белгилар) ва кўрсаткичлар (тоифалар, турлар) билан тавсифланди:

меҳнат предмети ва маҳсулот хусусиятиға кўра: моддий-энергетик (ишчиларға хос) ва ахборотли (хизматчиларға хос) меҳнат жараёни;

бажарадиган иш-вазифаларига кўра: асосий ва ёрдамчи иш ўринларида маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнат жараёни; иш ўринлари ва жиҳозларға хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнат жараёни; хизматчиларнинг (рахбарлар, мутахассислар, техник ижрочилар) меҳнат жараёни;

меҳнат предметиға таъсир кўрсатишда иштирок этишиға кўра: қўлда бажариладиган меҳнат жараёни; машина ва қўлда бажариладиган меҳнат жараёни; машинада бажариладиган меҳнат жараёни; автоматлаштирилган (компьютерлаштирилган) меҳнат жараёни.

Кичик мутахассиснинг меҳнат жараёни технологик жараённинг айрим (ўзига хос) жиҳатларига мувофиқ келувчи меҳнат операцияларини, меҳнат операциялари бирмунча хусусий мақсадға эга бўлган меҳнат усулларини, меҳнат усуллари эса айрим ақлий ва жисмоний меҳнат ҳаракатларини (алоҳида амалларни) ўз ичига олиши аниқланди.

Кичик мутахассиснинг *меҳнат ҳаракатлари (амаллари)* бир қатор белгиларига кўра куйидаги хусусиятларға эга эканлиги очиб берилди:

давом этиш вақтиға кўра: қисқа ва давомли;

ҳаракатнинг йўналишиға кўра: ётиқ, тик ва шуъласимон;

бажаришнинг ўзгармаслигиға кўра: доимий ва ўзгармас йўналишли;

ҳаракатнинг бирлашишиға кўра: бирлашган (мувозий) ва алоҳида (кетма-кет бажариладиган);

бажариш аниқлигиға кўра: мослашган ва ҳал қилувчи;

бажариш вақтиға кўра: узлукли ва узлуксиз;

функционал мақсадига кўра : фойдали ва фойдасиз (булар ичида асосий, тўлдирувчи, шикастловчи, ортиқча ёки хато меҳнат ҳаракатлари фарқланади);

жисмоний оғирлигиға кўра: енгил ва оғир.

Кичик мутахассиснинг *меҳнат усули* меҳнат жараёнининг айрим қисмларини бажаришда технологик жиҳатдан боғланган меҳнат ҳаракатлари мажмуидан, *меҳнат операцияси* эса маҳсулот олинишини таъминлайдиган меҳнат усуллари мажмуидан иборат бир хил турдаги асбоб-ускуналар билан бажариладиган технологик жараённинг бир қисми эканлиги тавсифланди.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари кичик мутахассис меҳнатига хос бўлган барча хусусиятларни уни тайёрлашға қўйилган малака талабларига мувофиқ касб-ҳунар таълими жараёнида ўзлаштириши, касб-ҳунар таълими – бир қатор билим соҳалари билан узвий боғланган, бўлғуси мутахассисларни

касбга тайёрлаш жараёни билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги тушунчаларни ўз ичига қамраб олган интегратив ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этувчи мураккаб педагогик билим соҳаси эканлиги, шунингдек касб-ҳунар таълими мазмунан бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тақозо қилувчи икки таркибий қисмни (назарий ва амалий таълим) ўз ичига олиши асослаб берилди.

Касб-ҳунар коллежлари амалиётида касб-ҳунар таълимининг амалий жиҳатларини ифодалаш учун фақат «амалий таълим» ёки «ишлаб чиқариш таълими» тушунчаларига таяниш мақсадга мувофиқ эмаслиги, зеро, «амалий таълим» тушунчасидан иккиламчи фойдаланишнинг ўзи (педагогикадаги амалий таълимга нисбатан) ноўрин бўлиб, «ишлаб чиқариш таълими» тушунчаси эса касбий таълимнинг барча амалий жиҳатларини ўзига тўлиқ қамрай олмаслиги, шу сабабли, касбий фаолиятга амалий тайёргарлик мазмунини мажмуий ифодалаш учун «амалий касбий таълим» тушунчаси таклиф этилди.

Амалий касбий таълим – касб-ҳунар коллежларидаги умумий педагогик тизимнинг ўзига хос мақсади, мазмуни, мантиғи, тамойиллари, шакллари, методлари ва амалга ошириш воситаларига эга бўлган алоҳида мустақил қисми.

Амалий касбий таълимнинг асосий мақсади - ўқувчиларни танлаган касби (мутахассислиги) бўйича бўлғуси меҳнат фаолиятига амалий жиҳатдан тайёрлаш, яъни кичик мутахассисда касбий маҳорат асосларини шакллантиришдан иборат бўлиб, унинг асосини ўқувчиларнинг махсус технология фанларини ўрганиши жараёнида бажариши шарт бўлган *тажриба-синов ишлари* ва амалиёт турлари (босқичлари) жараёнида бажариши шарт бўлган *ўқув-ишлаб чиқариш ишлари* ташкил қилади. Назарий касбий таълимда муайян касб (ихтисослик) бўйича касбий фаолият мазмунини назарий жиҳатдан моделлаштиришга йўналтирилган, амалий касбий таълимда эса касбий фаолиятнинг назарий моделини амалиётга татбиқ этишини таъминловчи хусусиятлар ўрганилиши, яъни бўлғуси кичик мутахассис шахсида касбий кўникма ва малака – касбий маҳорат асосларининг шаклланиш (ривожланиш) суръатини ифодаловчи дидактик (методик) жараёнлар асос қилиб олинди.

Касбий кўникмалар меҳнат ҳаракатлари (амаллари), усуллари ва операцияларига мансуб бўлган барча бўйсунувчи кўникмалар ўзлаштирилган пайтдагина шаклланиши, касбий кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси эса бошланғич, оралик ва тугал даражаларга бўлиниши, тугал даражадаги, яъни автоматлашган кўникмалар илк (бошланғич) малакалар ҳосил бўлишига замин тайёрлаши, касбий маҳорат асослари эса ўқувчининг бўлғуси касбий бошланғич малака даражасида ўзлаштириши натижасида шаклланиши асослаб берилди.

Бўлғуси кичик мутахассисларда касбий маҳорат асослари куйидаги мезонлар асосида шаклланиши аниқланди: ўқув-меҳнат фаолиятининг сифати; меҳнат унумдорлигининг юқорилиги; меҳнатнинг оқилона

усулларини эгаллаши; меҳнатнинг илғор (янги) усулларини ўзлаштириши; техникавий маданияти; меҳнатдаги мустақиллиги; меҳнатга ижодий ёндашиши; меҳнат маданияти; ўқув-меҳнат фаолиятининг иқтисодий-экологик мақсадга мувофиқлиги.

Касб-ҳунар коллежларида амалий касбий таълимни ташкил этиш – ички тартибларни ўрнатиш ва такомиллаштиришдан иборат ўзига хос ташкилий-методик тузилма (технология) эканлиги, тузилмани ишлаб чиқишда моделлаштириш методидан фойдаланиш ва тизимли ёндашув тамойилига амал қилиниши лозимлиги асослаб берилди.

Касб-ҳунар коллежларидаги амалий касбий таълимнинг ташкилий-методик тузилмаси (назарий модели) унинг мақсади, мазмуни ва жараёни, методари, воситалари, ташкилий шакллари, ишлаб чиқариш таълими устасининг ўқитиш (йўл-йўриқлар бериш) ва ўқувчиларнинг ўқиш (ўрганиш) фаолияти, ўқувчиларнинг тажриба-синов ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари, уларни амалга ошириш, касбий кўникмалар даражалари ва касбий малаканинг бошланғич даражаси – касбий маҳорат асосларидан иборат яхлит тизим сифатида аниқланди (1-расм).

Тадқиқотнинг «**Касб-ҳунар коллежида амалий касбий таълимнинг ташкилий-методик тузилмасини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида амалий касбий таълим мазмуни ва жараёнининг ўзаро узвий боғлиқлиги инновацион ташкилий-методик тузилмани яратиш омили эканлиги, шу асосда амалий касбий таълим методикаси амалий-лаборатория ишлари методикаси, ўқув амалиёти методикаси, ишлаб чиқариш амалиёти методикаси ва битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти методикаси каби тизимли таркибий қисмларини (тузилмаларни) ўз ичига қамраб олиши асослаб берилди.

Амалий касбий таълим жараёни – бу ўқувчини касбий фаолиятга ўргатувчи, касбий шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараёндир. Бу жараёни бошқариш методик жиҳатдан қулай, мосланувчан ва ижодий бўлиши керак. Шу сабабли асосий эътибор ишлаб чиқариш таълими усталари ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ақлий ва жисмоний меҳнат фаолияти натижасида ўқувчиларда касбий кўникма ва малака даражаларини қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон шакллантириш методикасига йўналтирилди, яъни амалий касбий таълимнинг янги ташкилий-методик тузилмаси амалий касбий таълим мазмуни ва жараёни ўзаро узвий боғланган ва шартланган яхлит жараён сифатида такомиллаштирилди.

Маълумки, ўзаро боғлиқлик дейилганда томонларнинг бири иккинчисига боғлиқлиги ёки томонлар орасида бири иккинчисиз бўлмайдиган алоқадорлик тушунилади. Амалий касбий таълим жараёни билан унинг мазмуни ўртасида ҳам худди шундай узвий алоқадорлик мавжуд. Бу узвийликнинг моҳиятини очиб бериш - амалий касбий таълимнинг ташкилий-методик тузилмасини такомиллаштиришга, яъни методик инновациялар (янгидан киритилган методик тартиб-қоидалар) ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишга замин тайёрлади.

Тажрибавий касб-хунар коллежларида тадқиқ этилаётган муаммонинг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатдики, амалий касбий таълим жараёни билан унинг мазмуни ўртасида тизимли методик алоқадорлик таъминланмаган. Биз мазкур камчиликларни бартараф қилиш учун А.В. Ястребовнинг “мувофиқлик жадвали” ёрдамида амалий касбий таълим мазмуни ва жараёнини тизимли ёндашув асосида таҳлил қилдик.

Таҳлиллар натижасида амалий касбий таълим *мазмуни* бир-бири билан узвий боғланган ва шартланган тўртта таркибий қисмни (махсус технология фанлари бўйича амалий-лаборатория ишлари, ўқув амалиёти, ишлаб чиқариш амалиёти, битирув-малакавий амалиёти), амалий касбий таълим *жараёни* эса (амалиётнинг алоҳида турлари бўйича) бешта таркибий қисмни (режалаштириш, тайёргарлик кўриш, амалга ошириш, назорат қилиш, методик хизмат) ўз ичига олган яхлит ташкилий-методик тузилма сифатида аниқланди (1-жадвал).

Хусусан, мувофиқлик жадвалига кўра, ўқув амалиёти қуйидаги қонуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олди: 1) ўқув амалиётида бажариладиган ўқув-амалий ишларни режалаштириш; 2) режалаштирилган ўқув-амалий ишларни бажариш учун ўқув устахоналарини тўлиқ тайёрлаш (жиҳозлаш) ва технологияларини лойиҳалаштириш; 3) ўқув устахоналарида ўқув-амалий ишлар технологияларини амалга ошириш; 4) ўқув-амалий ишлар технологияларини амалга ошириш жараёнида ўқувчиларда оралик кўникмалар шаклланишини (жорий, оралик ва якуний) назорат қилиш; 5) юқорида таъкидланган жараёнларга методик хизматни таъминлайдиган “ўқув амалиёти методикаси”ни ишлаб чиқиш. Шу асосда ўқув амалиётини тизимли ташкил этиш бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* ишлаб чиқилди: ўқув амалиётини тизимли ташкил этиш уни “ўқув-амалий ишлар”, “ўқув устахоналари”, “ўқув-амалий ишлар технологиялари”, “оралиқ кўникмалар шаклланишини назорат қилиш”, “ўқув амалиёти методикаси” каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг мазмуни ва функциясини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг ижросини тўлиқ таъминлашга боғлиқ.

Амалий касбий таълим мазмуни ва жараёнининг бошқа таркибий қисмлари ҳам худди шу таҳлилда таҳлил этилиб, уларни ҳам тизимли ташкил этиш бўйича методик тамойиллар (қоидалар) мажмуи ишлаб чиқилди.

Таҳлиллар натижасида амалий касбий таълимни ташкил этиш жараёни бешта таркибий қисмни, яъни (амалий касбий таълим жараёнини режалаштириш, амалий касбий таълим жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш, амалий касбий таълим жараёнини амалга ошириш, амалий касбий таълим жараёнини назорат қилиш ва жараёнга методик хизмат кўрсатишни - амалий касбий таълим методикаси) ўз ичига олишиган ва ҳар бир таркибий қисм бир-бири ўзаро боғланган ва шартланган тўртта қонуний таркибий қисм яхлит мажмуидан иборат эканлиги аниқланди (1-жадвал). Хусусан, мувофиқлик жадвалига кўра, амалий касбий таълим жараёнини амалга ошириш босқичи амалий касбий таълим мазмунига





(амалиётнинг ҳар бир турга) мувофиқ қуйидаги изчил таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади 1) амалий-лаборатория ишларини ўқув-тажриба ишлари технологиялари асосида амалга ошириш; 2) ўқув амалиётини ўқув-амалий ишлар технологиялари асосида амалга ошириш; 3) ишлаб чиқариш амалиётини ўқув-ишлаб чиқариш ишлари технологиялари асосида амалга ошириш; 4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётини тадқиқий-синов ишлари технологиялари асосида амалга ошириш.

Шу асосда амалий касбий таълим жараёнини тизимли амалга оширишнинг қуйидаги *методик тамойили (қоидаси)* ишлаб чиқилди: амалий касбий таълим жараёнини тизимли амалга ошириш амалий-лаборатория ишларини ўқув-тажриба ишлари технологиялари асосида, ўқув амалиётини ўқув-амалий ишлар технологиялари асосида, ишлаб чиқариш амалиётини ўқув-ишлаб чиқариш ишлари технологиялари асосида, битирув-малакавий амалиётини тадқиқий-синов ишлари технологиялари асосида ташкил этиш ва ўтказишга, ҳар бир таркибий қисмга хос технологияларни пухта лойиҳалаштириш - ишлаб ва уларнинг ижросини тўлиқ таъминлашга боғлиқ. Худди шундай методик тамойиллар (қоидалар) амалий касбий таълим жараёнининг бошқа тўртта таркибий қисми бўйича ҳам ишлаб чиқилди.

Тадқиқот давомида амалий касбий таълим мазмуни ва жараёни “мувофиқлик жадвали” ёрдамида таҳлил қилиниши оқибатида инновацион ташкилий-методик тузилма вужудга келди, унинг таркибий қисмлари асосланди ва тажрибавий касб-ҳунар коллежларида синовдан ўтказилди.

Инновацион ташкилий-методик тузилмага мувофиқ амалий касбий таълим методикасининг қуйидаги таркибий қисмлари ажратиб кўрсатилди ва асосланди:

- 1) амалий-лаборатория ишлари методикаси ва унинг тузилмавий таркибий қисмлари;
- 2) ўқув амалиёти методикаси ва унинг тузилмавий таркибий қисмлари;
- 3) ишлаб чиқариш амалиёти методикаси ва унинг тузилмавий таркибий қисмлари;
- 4) битирув-малакавий амалиёти методикаси ва унинг тузилмавий таркибий қисмлари.

Хусусан, махсус технология фанлари бўйича амалий-лаборатория ишлари методикаси мазмунан қуйидаги тузилмавий таркибий қисмларни ўз ичига олди: 1) ўқув-тажриба ишларини режалаштириш; 2) ўқув лабораторияларини жиҳозлаш ва ўқув-тажриба ишларини лойиҳалаштириш (ишлаб чиқиш 3) ўқув-тажриба ишлари технологияларини амалга ошириш; 4) ўқувчиларда шаклланадиган бошланғич кўникмаларни (жорий, оралиқ ва якуний) назорат қилиш ва баҳолаш.

Тажрибавий касб-ҳунар коллежларида «Автомобиль йўллари, кўприқлар, сунъий иншоотлар қурилиши ва аэродромлар бўйича техник» касби негизида «Амалий касбий таълим» ўқув-методика тизими ишлаб чиқилиб, методик ишлар илмийлик, мақсадга мувофиқлик ва мунтазамлик,

Амалий касбий таълим мазмуни ва жараёнининг ўзаро алоқадорлиги натижасида  
вужудга келувчи янги методик тизими ва унинг таркибий қисмлари

Т а р к и б и й қ и с м л а р и:						Боқми чарни:
Турлари:	Битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти	Битирув-малакавий (диплом) ишлари	Таянч корхоналар ва ўқув лабораториялари	Тадқиқий синов технологиялари	Касбий маҳорат асосларининг ЖН, ОН ва ЯН	
И	Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти	Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари	Таянч корхоналар (ташкilotлар, муассасалар)	Ўқув-ишлаб чиқариш технологиялари	Тугал кўникма ва бошланғич малакаларнинг ЖН, ОН ва ЯН	Ишлаб чиқариш амалиёти методикаси
Н	Ўқув амалиёти	Ўқув-амалий ишлар	Ўқув устаноналари	Ўқув-амалий технологиялар	Оралик кўникмаларнинг ЖН, ОН ва ЯН	Ўқув амалиёти методикаси
У	Амалий-лаборатория ишлари	Ўқув-тажриба ишлари	Ўқув лабораториялари	Ўқув-тажриба технологиялари	Бошланғич кўникмаларнинг ЖН, ОН ва ЯН	Амалий-лаборатория ишлари методикаси
М	АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ	режалаштириш	тайёргарлик	амалга ошириш	назорат	методик хизмат
З			Ж	А	Р	А
А			Ё	Н	И:	

ижодий йўналганлик ва ҳаракатчанлик талаблари бўйича ўзига хос мажмуа сифатида шакллантирилди. Мазкур тизимга мувофиқ касб таълими бўйича директор ўринбосари, катта уста, устахона мудир, махсус фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўзаро ҳамкорликдаги оммавий ва шахсий методик ишлари режалаштирилди ва ташкил этилди. Булар амалий касбий таълим жараёнига методик хизмат кўрсатилишини аниқ ташкилий-тузилмавий (тизимли) амалга оширишга имкон берди.

Диссертациянинг «Амалий касбий таълим жараёнида ўқувчилар касбий маҳорати асосларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари» деб номланиб учинчи бобида тажриба-синов ишларининг мазмуни, ташкилий-методик тавсифи ва педагогик шарт-шароитлари ҳамда ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги келтирилган.

Тадқиқот давомида тажрибавий касб-хунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталари янги ташкилий-методик тузилма асосида тажриба-синов ишларини ташкил этишга махсус семинарлар орқали тайёрларлик кўришди ва шу асосда уларнинг ҳам касбий-педагогик савияси босқичма-босқич ошириб борилди.

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида синалувчи ўқувчиларда касбий маҳорат асосларининг ривожланиш даражаси унинг мезонлари ва кўрсаткичларига мувофиқ аниқланди. Натижалар қуйидагилардан иборат бўлди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларининг ривожланиш даражалари

№	Касбий маҳорат асосларининг таркибий қисмлари:	даражалари					
		Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
		қуйи	ўрта	юқори	қуйи	ўрта	юқори
1	Ўқув-меҳнат сифати	49	31	7	20	49	18
2	Меҳнат унумдорлигининг юқорилиги	50	29	8	21	44	22
3	Меҳнатнинг тўғри усулларини эгаллаши	48	32	7	24	46	17
4	Меҳнатнинг илғор (янги) усулларини эгаллаши	53	28	6	25	43	19
5	Техникавий маданияти	48	31	8	23	45	19
6	Меҳнатдаги мустақиллиги	46	32	9	23	46	18
7	Меҳнатга ижодий ёндашуви	48	30	9	24	44	19
8	Меҳнат маданияти	45	32	11	21	46	20
9	Меҳнат фаолиятининг иқтисодий-экологик мақсадга мувофиқлиги	46	34	7	22	45	20
	Ўртача арифметик қиймат:	48	31	8	23	45	19

Бу ўринда тажриба ва назорат гуруҳлари синалувчиларининг тажриба-синов ишлари бошида ва якунида эришган кўрсаткичларини ўзаро қиёслаш

мақсадида уларни алоҳида жадвалларда акс эттириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди (3-жадвал).

### 3-жадвал.

#### Ўқувчиларнинг тажриба-синов ишлари бошида ва якунида касбий маҳорат асосларига эгалик даражалари

№	Гуруҳлар	даражалари					
		Тажриба бошида			Тажриба якунида		
		юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Тажриба гуруҳи ( $n_1 = 87$ нафар)	8	29	50	19	45	23
2	Назорат гуруҳи ( $n_2 = 87$ нафар)	7	30	49	8	31	48

3-жадвалда ўз ифодасини топган кўрсаткичларни В.Беспалько методи бўйича формулага солиш асосида қайта таҳлилдан ўтказамиз:

$$K = \frac{a_1 \cdot 5 + a_2 \cdot 4 + a_3 \cdot 3}{P}$$

Бу ерда:  $a_1 \cdot 5$  – юқори;  $a_2 \cdot 4$  – ўрта;  $a_3 \cdot 3$  – паст даража;

$P$  – синалувчи ўқувчиларнинг умумий сони;

$k$  – коэффициент, яъни, ўртача арифметик қиймат.

3-жадвалга таянган ҳолда қуйидаги 4-жадвал ҳосил қилинди.

### 4-жадвал.

#### Амалий касбий таълим жараёнида ўқувчиларда шаклланган касбий маҳорат асослари даражасининг ўртача коэффициенти

№	Гуруҳлар	Тажриба якунида			Кoeffицент
		юқори	ўрта	паст	
1.	Тажриба гуруҳи (синалувчилар сони $n_1 = 87$ нафар)	19	45	23	-0,54
2.	Назорат гуруҳи(синалувчилар сони $n_2 = 87$ нафар)	8	31	48	

4-жадвал кўрсаткичларига асосан  $t_2$  миқдор  $\alpha=0,05$  дан топилади:  $t_{2x} 1,96$ .  
У ҳолда ишончлилик оралиғи қуйидагича бўлади:

$$(-1,96 \cdot \sqrt{0,018}; \quad 1,96 \cdot \sqrt{0,018}) = (-0,26; \quad 0,26)$$

Демак,  $X - Y = 0,51 - 1,03 = -0,54$  Ҳосил бўлган қиймат ишончлилик оралиғига тушмайди.

Олинган натижаларга кўра,  $H_0$  (бошланғич) фараз рад этилади ва унга муқобил бўлган  $H_1$  фараз, яъни,  $x > y$  қабул қилинади. Шундай қилиб, мазкур статистик маълумотлар биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва амалиётда синаб кўрилган амалий касбий таълимнинг инновацион ташкилий-методик тузилмаси анъанавий тизимга нисбатан самарали деган ҳукм чиқаришга асос бўлди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот доирасида ўтказилган изланишлар ва олинган натижалар қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Ўўл қурилиши соҳасидаги кичик мутахассиснинг меҳнат жараёни технологик жараёнларга мувофиқ меҳнат операциялари, усуллари ва ҳаракатларини (амалларини) қамраб олади ва ўқувчилар кичик мутахассис меҳнатига хос хусусиятларни касб-ҳунар таълими жараёнида ўзлаштиради. Касб-ҳунар таълими назарий ва амалий таълимга бўлинади, бироқ «амалий таълим» ёки «ишлаб чиқариш таълими» тушунчалари ўқувчиларни касбий фаолиятга амалий тайёрлаш мазмунини тўлиқ ифода қилмайди, шу сабабли «амалий касбий таълим» тушунчасидан фойдаланиш таклиф этилди.

2. Амалий касбий таълим – касб-ҳунар коллежидаги умумпедагогик ва касбий таълим жараёнининг ўзига хос мақсади, мазмуни, мантиғи, тамойиллари, шакллари, методлари ва амалга ошириш воситаларига эга бўлган алоҳида мустақил қисми. Унинг мақсади - ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш бўлиб, унинг асосини ўқувчиларнинг тажриба-синов ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ташкил қилади. Бошланғич, оралик ва тугал даражали касбий кўникмалар фарқланади, тугал даражали кўникма - илк (бошланғич) малака бўлиб, у касбий маҳорат асосини ташкил этади.

3. Амалий касбий таълимни ташкил этиш – ташкилий-методик тузилма бўлиб, бу тузилма (технология) моделлаштириш методи ва тизимли ёндашув тамойилига мувофиқ белгиланадиган яхлит тизимдир. Бу тизим амалий касбий таълим мазмуни ва жараёни ўртасида ўзаро узвий алоқадорлик мавжудлигига асосланган бўлиб, унга А.В. Ястребовнинг “мувофиқлик жадвали” ёрдамида тизимли ёндашилди ва бу алоқадорликлар моҳияти – амалий касбий таълим тузилмасининг зарурий таркибий қисмлари (20 та) очиб берилди.

